

ФАҚАТГИНА ТЎРТТА ҲАРФНИ ЎЗГАРТИРИШ

G' → Ğ
O' → Ö
Sh → Ş
Ch → Ç

ҲАҚИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛМАЯПМИЗ! ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН АЛИФБО: ЯНГИ ИСЛОҲОТ ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

Лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбоси такомиллашиш арафасида турибди. Бу борадаги янгиликлар жамоатчилик ўртасида қизғин муҳокама­ларга сабаб бўлмоқда. Хўш, бу ислохот бизга нима беради? Ортиқча харажат ва

чалкашликларга олиб келмайдими? Шу ва бошқа саволлар билан **Фанлар академияси вице-президенти Баҳром АБДУҲАЛИМОВ**га юзландик.

2

Ҳаётни танла!

ИЖТИМОИЙ
ТАРҒИБОТ
АКЦИЯСИ



Ҳеч бир инсон онгли равишда гиёҳвандлик кўчасига киришни истамайди. Зеро, бу – ортга қайтадиган йўли бўлмаган тубсиз жарликдир. Бироқ дунёда бу борадаги хавотирли статистиканинг ўсиб бораётгани, иллатнинг янги­ча ва янада хавфли кўринишларида (айниқса, синтетик воситалар шаклида) қайта-қайта бўй кўрсатаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда. Вазият тизимли тарғибот-ташвиқот ишлари орқали жамиятда, хусусан, ёшлар ўртасида соғлом им­мунитетни шакллантиришни тақозо этипти.

Яқунланаётган ҳафтада "Адолат" СДП фаоллари диққат-эътиборини айнан шу долзарб масалага қаратишди. Партия ташаббуси билан ташкил этилган "ҲАЁТНИ ТАНЛА!" ИЖТИМОИЙ ТАРҒИБОТ АКЦИЯСИда малакали нар­кологлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда. Тадбирлар доирасида аср кушандасига қарши нафақат тиббий ёки ҳуқуқий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам ҳамжиҳат­ликда курашиш зарурлиги алоҳида таъкидланмоқда.

2

Партия дастури – амалда!

ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ –

ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Бугун мамлакатимизда ёшларнинг билим олиши, муносиб меҳнат қилиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, ўз иқтидорини намоён этиши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун кенг ҳуқуқий, иқтисодий ҳамда ижтимоий имкониятлар яратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, дастурлар замирида, аввало, инсон қадрини юксалтириш, ҳар

бир ёшнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга хизмат қиладиган самарали тизимни шакллантириш мақсади мужассам.

Мазкур вазифаларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш, аҳоли, айнқса, ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказиш ҳамда мавжуд муаммолар ечими юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақса­дида "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши

раиси ўринбосари Озода Парпиева, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари Гулнорахон Абдувоҳидова ва Зиёдбек Юнусов ҳамда партиянинг Тошкент вилояти Кенгаши масъуллари Бўстонлиқ туманида бўлиб, ўрганиш ишларини олиб бордилар.

3

Кучли адвокатура – АДОЛАТЛИ СУДЛОВНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Адвокатнинг мустақиллиги фақат қонунлардаги кафолатлар билан эмас, унинг иқтисодий барқарорлиги билан ҳам боғлиқ. Моҳдий жиҳатдан барқарор адвокат ўз касбий позициясида қатъий туради...

4

АҲМАД ДОНИШ



Давлат ва сарой ишларидан четлаштирилгандан кейин Аҳмад Дониш бутун диққат-эътиборини илмий ва ижодий фаолиятга қаратди. 1875 йилдан бошлаб ўн беш йил давомида у ўзининг энг машҳур асари "Наводир ул-вақоеъ" ("Нодир воқеалар")ни ёзиб тугаллади.

6

ФАҚАТГИНА ТЎРТТА ҲАРФНИ ЎЗГАРТИРИШ



ҲАҚИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛМАЯПМИЗ!

ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН АЛИФБО: ЯНГИ ИСЛОҲОТ ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

1 — Баҳром Абдурахимович, албатта, ўзбек тилининг мавқеини ошириш борасида охириг йилларда катта қадамлар ташланди. Лекин алифбога айрим ўзгаришлар киритиш масаласи анчадан бери баҳсли бўлиб келаётганди. Ҳўш, бу ислохотнинг айнан ҳозир кўн тартибига чиқишига нима сабаб бўлди?

— Тўғри айтилган, ўзбек тили — халқимизнинг бебаҳо кўзгуси, дунёдаги энг бой тиллардан бири. Тилимизнинг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш бўйича “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тўбдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонларининг қабул қилингани, улар асосида тил сиёсатининг стратегик йўналишлари ва лотин ёзувига тўлиқ ўтишнинг ҳуқуқий пойдевори яратилгани фикримизга яққол далилдор.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари 2023 йили Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда ҳам зиёлилар билан баҳаслашар бу ишни якунига етказиш зарурлигини алоҳида таъкидлагандилар. Демак, бу шунчаки бир кунда пайдо бўлган қарор эмас. Охириг ўн йил ичида мутахассислар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказилди. Фанлар академияси ва Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиди тилшунослар, адиллар, депутатлар, ай-ти мутахассислари ва блогерлар иштирокида ўнлаб семинарлар ташкил этилди. Натижада, биз миллий алифбomisиздаги тўртта ҳарф жиддий муаммо туғдираётгани ва уларни ўзгариш шартлиги бўйича якуний тўхтамга келдик.

— Айнан қайси ҳарфлар ҳақида гап кетмокда ва улар бугунги рақамли асрда қандай техник муаммоларни келтириб чиқараётганини очикласангиз...

— Булар — О' (Ў), Г' (Ғ), Ч (Ч) ва Ш (Ш) ҳарфлари. Масалан, компьютер ёки телефонда О' ва Г' ҳарфларини ёзиш учун оддий фойдаланувчи 5-6

та амални бажариши керак. Бунинг устига, ижтимоий тармоқлар ва ОАВда бу ҳарфларнинг ўндан ортиқ турли кўринишлари (о', о', о', о' ва ҳақозо) ишлатилапти. Бу эса ягона стандарт шаклланишига тўсқинлик қилмокда. Энг ёмони — бу белгилар халқаро Юникод (Unicode) стандартида мустақил ҳарф сифатида мавжуд эмас. Яъни, уларнинг махсус коди йўқ. Оқибатда электрон қидирув тизимлари, автоматик таржима дастурлари ва электрон лўғатлар, сунъий интеллект асосидаги ўзбек тили моделларини яратиш жараёни секинлашмокда.

Ch ва Sh қўшҳарфлари эса имлода чалқашликлар пайдо қилапти. Айтилиқ, “Is’hoq”, “As’hobiddin” каби сўзлар аксар ҳолларда “Ishoq”, “Ashobiddin” деб нотўғри ёзилади. Ёки “mo’tabar”, “mo’jiza” сўзларида о' ҳарфидан кейин тутуқ белгиси келса, иккита белги ёнма-ён келиб қолмаслиги учун мажбуран истисно қоидалари ўйлаб топилган.

— Демак, алифбо тўбдан ўзгариб кетмайди. Ҳўш, мутахассислар таклиф этаётган янги ечим нималардан иборат?

— Йўқ, асло! Гап алифбони тўбдан ўзгаририш ҳақида эмас, фақатгина ўша тўртта муаммолар ҳарфни замонавий талабларга мослаш ҳақида бормокда. Биз миллий ёзувимизнинг азалий “бир товуш — бир ҳарф” тамойилига қайтапмиз. Таклиф этилаётган ўзгаришлар ҳақида гапирсам, амалдаги алифбо G' g', O' o', Sh sh, Ch ch ҳарфлари мос равишда G' g', O' o', Sh sh, Ch ch шаклига ўтказилади. Натижада янгиланган алифбо 28 та ҳарф ва битта тутуқ белгисидан иборат бўлади. Бу шакллар турк, озарбайжон, туркман каби қардош туркий тилларда, қолаверса, бошқа Европа тилларида ҳам бор. Дунёда 300 миллиондан ортиқ аҳоли бу ҳарфлардан фойдаланади, улар ай-ти нуктаи назаридан тўлиқ синондан ўтган.

— Энг кўп бериладиган ва аҳолини хавотирга соладиган савол: бу ислохот катта молиявий харажатларга сабаб бўлмайдими? Агар қонун қабул қилинса, барча ҳужжатлар, паспортлар, дарсликларни тезда алмаштириш керак бўладими?

— Энг муҳим нукта мана шу ерда. Ушбу ислохот давлат бюджетига ҳам, фуқаролар чўнтагига ҳам ортиқча юклама бўлмайди. Чунки қонунда барча ўзгаришларни босқичма-босқич, табиий равишда амалга ошириш назарда тутилган.

Яъни, ҳеч қандай ҳужжат ёки махсуслот муддати-дан олдин, мажбурий алмаштирилмайди. Дарсликлар — режа асосида, ўз даврийлиги билан қайта нашр этилганда янги алифбода чиқади, паспорт ва ID-карталар — амал қилиш муддати тугаб, табиий равишда янгиланганда ўзгаради, миллий валюта ва ташқи ёзувлар — эскириши ёки режавий янгиланиши жараёнида босқичма-босқич ўзгаририлади. Бу тамойил қонуннинг ўзида белгилаб қўйилмокда. Қолаверса, қонун кучга киргандан сўнг Ҳукумат томонидан алифбодаги янгиланишларни амалиётга жорий этиш бўйича барча жараёнларни қамраб оладиган чора-тадбирлар дастури қабул қилинади. Унда қонун ижросини ортиқча харажатларсиз, тартибли амалга ошириш чоралари белгиланади.

— Ҳулоса қиладиган бўлсак, қонун қабул қилинишидан кутилаётган асосий натижалар нималардан иборат?

— Қонун қабул қилинишидан кутиётган асосий натижаларимиз салмокли. Хусусан, лотин ёзувидаги ўзбек имлоси мукаммал ва барқарор ҳолга келади, рақамлаштириш ва қидирув тизимларидаги техник тўсиқлар йўқолади, янги алифбо асосида мукаммал имло қоидалари ишлаб чиқилади, тил ўрганиш ва саводхонлик даражаси осонлашади.

Биз бугун фақатгина тўртта ҳарфни ўзгаририш ҳақида қарор қабул қилаётганимиз йўқ. Биз ўзбек тилининг келажақдаги тараққиёти, унинг глобал рақамли технологиялар оламига тўсиқларсиз кириб бориши ва халқимиз учун қулай ёзув тизимини яратиш ҳақида қарор қабул қилмокдамиз. Бу лойиҳа илмий жиҳатдан пухта асосланган ва давр талабидир.

— Мазмунли суҳбат учун раҳмат. Жамоатчилик алифбо ислохотининг асл моҳиятини тўғри англайди, деган умиддамиз.

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ
ёзиб олди.

ЖАМОАТЧИЛИК ҲУШЁР БЎЛСА, ЁШЛАР АДАШМАЙДИ

1 *Партиянинг Бойсун тумани кенгаши томонидан Ахборот-кутубхона марказида тарғибот тадбири ташкил этилди. Ёшларни гиёҳвандликнига салбий оқибатларидан хабардор қилиш, ёт гоёлар ва зарарли одатлар таъсиридан асраш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсад қилинди.*

Тадбир давомида гиёҳвандликнинг инсон саломатлиги, оила ва жамият барқарорлигига етказадиган оғир зарарлари атрофлича тушунтирилди. Шунингдек, ушбу иллат билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун қонунчиликда белгиланган жавобгарлик чоралари ҳамда ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги тизимли ишлар хусусида сўз юритилди.



Учрашувда гиёҳвандликка қарши курашиш фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг эмас, балки оила, таълим муассасалари, маҳалла ва кенг жамоатчиликнинг ҳамкорликдаги вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди. Айниқса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни спорт, илм-фан ва маданиятга йўналтириш орқали салбий иллатларнинг олдини олиш мумкинлиги қайд этилди.

Гулшод ТУРСОАТОВА,
Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот котиби

ЗАҲРИ ҚОТИЛ ТУЗОҒИ

Бугун ёш авлоднинг соғлом улғайишига раҳна солаётган таҳдидлар ортиб бормокда. Улар орасида энг даҳшатлиси, шак-шубҳасиз, “аср вабоси” дея таърифланувчи гиёҳвандлик ва унга ёндош иллатлардир. Миллат генофондини асраш, жамиятда тиббий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда аҳолининг ОАВ орқали ҳушёрлигини ошириш бугунги кунда нафақат давлат идоралари, балки сиёсий партияларнинг ҳам эътиборида.

Шу йўлда “Адолат” СДП Сирдарё вилояти кенгаши ҳамда Алишер Навоий номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида “Ҳаётни танла” лойиҳаси доирасида учрашув ташкиллаштирилди. Давра суҳбатида сўз олган партия масъуллари, тиббиёт ходимлари ва ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари гиёҳвандликнинг янчалик яқини, у туфайли барбод бўлаётган оилалар ва соғлигидан айрилаётган йигит-қизлар фожиасини ҳаётий мисоллар асосида сўзлаб бердилар.

Айниқса, бугунги кунда оддий соддалик ёки қизиқувчанлик оқибатида психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар, синтетик наркотиклар тузоғига тушиб қолаётган ёшлар тақдири ҳақида куйиниб гапирилди. Иштирокчиларга бундай заҳри қотилларнинг ноқонуний айланмаси ва савдоси билан шуғулланган шахсларга нисбатан амалдаги қонунчиликда кескин ва муросасиз жиноий жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилгани алоҳида эслатиб ўтилди.

Муниса СОБИРЖОН,
Сирдарё вилояти кенгаши матбуот котиби

СИНТЕТИК НАРКОТИКЛАР — УМР ЗАВОЛИ

Илгари гиёҳвандлик деганда кўз олдимизга маълум бир тоифадаги одамлар келган бўлса, бугун “аср вабоси” деб аталмиш синтетик наркотиклар ва психотроп моддалар оддий мактаб ўқувчилари ва талабалар ҳаётига ҳам кириб борди. Энг даҳшатлиси, йигит-қизлар кўпинча оддий қизиқувчанлик, соддалик ёки дўстларининг қистови билан бу ботқоққа қандай ботиб қолганини сезмай қолишяпти.



“Адолат” СДП Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан Ангрен шаҳар ҳокимлигида ёшлар, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ташкил этилган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз борди. Жиноятчилар алдовига учиб, осон пул топиш илинжида кучли таъсир қилувчи моддалар айланмасига аралашиб қолганларнинг қонун олдидаги жавобгарлиги эслатиб ўтилди.

Вилоят кенгаши раиси в.в.б Шохиста Мадярнова фарзанд тарбиясини фақат мактаб, ота-онага ташлаб қўйиш — энг катта хато эканини, агар уларнинг бўш вақтида нима билан бандлиги, ким билан дўстлашаётгани, ижтимоий тармоқларда кимлар билан гаплашаётганига бутун маҳалла ва жамоатчилик ҳушёр бўлмаса, эртага кеч бўлишини таъкидлади.

Равшан МИРЗО,
Тошкент вилояти кенгаши матбуот котиби

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК!

“Адолат” СДП Навбаҳор туман кенгаши ва туман солиқ инспекцияси ҳамкорлигида “Қоровултепа” маҳалласида “Ҳаётни танла!” ишори остида таърифуий учрашув ташкил этилди. Тадбирда туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Шерали Бердиев, “Қоровултепа” маҳалласи раиси Анавар Давлатов, нурунийлар, ёшлар ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашишди.

Партия туман кенгаши раиси Шерзод Жиянов ёшларни турли иллатлардан асраш, уларда соғлом ҳаёт тарзига содиқлик ва юксак фуқаролик масъулиятини шакллантириш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири эканини таъкидлади.

Давра суҳбатида сўзга чиққан партия фаоллари, нурунийлар, солиқ ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари гиёҳвандликнинг инсон тақдирига етказадиган оғир оқибатлари ҳақида атрофлича фикр юритдилар.

Айниқса, айрим ёшларнинг бепарволиги, ишонувчанлик ёки қизиқувчанлик оқибатида психотроп воситалар ҳамда синтетик наркотиклар домига тушиб қолаётгани жиддий хавотир билан қайд этилди.

Соғлом авлод — миллиннинг энг катта бойлиги. Шунинг учун гиёҳвандликка қарши курашиш, ёшларни турли зарарли иллатлар таъсиридан асраш ва уларнинг маънавий-ахлоқий иммунитетини кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш ҳар биримиздан юксак масъулият талаб этади.

Ақбар ЖАЙНАРОВ,
Навоий вилояти кенгаши матбуот котиби



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзе ўртасида бўлиб ўтган олиё даражадаги учрашув икки давлат муносабатларини сифат жиҳатида юқори босқичга олиб чиқди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихи узоқ йилларга бориб тақалади ва бугунги кунда бу ришталар мутлақо янги суръат касб этмокда.

Азамат МАҲМУДОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
профессори, иқтисод фанлари доктори

Йигирма йилдан ортиқ вақт ичида илк бор амалга оширилган ушбу давлат таширифи икки томонлама иқтисодий ва стратегик алоқалар солномасида тўб бурилиш ясаган тарихий воқеа бўлди.

Грузия иқтисодиёти сўнгги йилларда таркибий ислохотлар, бизнес юртишини осонлаштириш, бошхона ва солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш ҳамда очик бозор сиёсати

туфайли юқори ўсиш суръатларини намойиш этмокда.

Айниқса, мамлакатнинг Жанубий Кавказ минтақасидаги қулай геоиқтисодий жойлашуви ва ривожланган денгиз порти инфратузилмаси уни Яқин Шарқ ва Европа бозорларига чиқишда муҳим транзит хабиға айлантирган.

Таъкидлаш жоизки, бундай барқарор ва трансчегаравий имкониятлари кенг иқтисодиёт билан шериклик Ўз-

бекистон учун стратегик дивидендлар тақдим этади. Бу ҳамкорлик бизга, биринчи навбатда, диверсификацияланган транспорт йўлакларини беради.

Денгиз йўлларига тўғридан-тўғри чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатимиз учун Поти ва Батуми портлари инфратузилмасидан фойдаланиш, Грузияда миллий логистика хаби ва саноат зонасини ташкил этиш ташқи савдо харажатларини сезиларли даражада камайтиради ва махсуслотларимизнинг жаҳон бозоридидаги рақобатбардорлигини оширади.

Айниқса, “Боку — Тбилиси — Карс” темир йўлини истиқболли “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” магистралли билан боғлаш таклифининг илгари сурилиши мамлакатимизни қитъаларо юк ташишларнинг марказий бўғинига айлантиради.

Давлат таширифи доирасида эришилган муҳим келишувларнинг аҳамияти товар айирбошлаш ҳажмини яқин йилларда 1 миллиард долларга етказиш каби аниқ ва ўлчанадиган иқтисодий мақсадлар қўйилганида намоён бўлади.

Саноат кооперацияси бўйича 2027 йилгача мўлжалланган дастурнинг имзолагани ҳамда лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун қўшма Инвестиция жамғармасини ташкил этиш таклифи ички ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва юқори қийматли иш ўринларини яратишга хизмат қилади.

Аудит ва иқтисодий таҳлил нуктаи назаридан, бу мақсадларни амалга ошириш учун махсус “йўл харитаси” қабул қилиниши келишувларнинг ижро назорати ва шаффофлигини таъминлашда бош омил бўлади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада тизимли ва доимий асосда мувофиқлаштириб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Грузиядаги элчихонасини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эса иқтисодий дипломатия ривожига муҳим қадам бўлди.

Мазкур ташириф якунлари Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга ва миллий иқтисодиётимизнинг янги интеграцион маконларга чиқишига янги суръат бағишлаши билан аҳамиятлтидир.



ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ –

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

1 Ўзбекистон Республикаси Камбағаллини қисқартириш ва бандлик вазирлиги бош му- тахассиси, Бўстонлиқ туманида фаолият олиб бораётган Республика ишчи гуруҳи аъзоси Шерзод Мақсудов ҳамроҳлигида ташкил этилган тадбирнинг асосий мақсади фақат мавжуд ҳолат билан танишишдан иборат бўлмади. Асосий эътибор ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини бевосита жойларда баҳолаш, аҳолини қийнаётган масалаларни эшитиш, уларни ҳал этиш юзасидан амалий таклифлар шакллантириш ҳамда қонунчилигини янада такомиллаштиришга қаратилди.

Дастлаб тадбир иштирокчилари Бўстонлиқ туманидаги “Геолог” болалар оромгоҳида бўлиб, бу ерда болалар ва ўсмирларнинг мазмунли дам олиши учун яратилган шароитлар билан танишдилар. Оромгоҳ ҳудудида ташкил этилган ўқув ва ижодий тўғараклар, спорт майдончалари, кутубхона, маданий тадбирлар учун мўлжалланган саҳналар ҳамда дам олиш инфратузилмаси меҳмонларда ихобий таассурот қолдирди.

Шунингдек, болалар учун хавфсиз муҳит яратилгани, санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган яшаш хоналари, тиббий хизмат кўрсатиш тизими ва сифатли овқатлантириш ишлари атрофлича ўрганилди. Мутахассислар билан мулоқот чоғида оромгоҳ фаолиятини янада такомиллаштириш, иқтидорли ёшларни қўл-

лаб-қувватлашга қаратилган дастурларни бойитиш ҳамда ёш авлоднинг интеллектуал ва жисмоний ривожланишига хизмат қиладиган лойиҳаларни кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Айниқса, таълим-тарбия жараёнида замонавий технологиялардан фойдаланиш, китобхонлиқни омдалаштириш, болаларда ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслар алоҳида эътибор марказида бўлди.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ туманининг “Маърифат” ва “Марказий” маҳаллаларида бўлиб, ҳудудларда ёшлар билан ишлаш тизими, уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш ҳамда ижтимоий лойиҳаларни ижроси билан яқиндан танишди.

Маҳаллаларда ташкил этилган учрашувлар давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ёшларга оид давлат сиёсати вазифаларининг жойлардаги амалий натижаларини ўрганиш, аҳоли билан очик мулоқот қилиш ва мавжуд масалаларга ечим топиш нуктаи назаридан муҳим аҳамият касб этди. Мулоқотларда маҳалла фаоллари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари, тадбиркорлар ҳамда фуқаролар иштирок этиб, ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувлар давомида ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни замонавий касбларга ўқитиш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, ўзини ўзи банд қилиш имкониятларини кенгайтириш ва янги даромад манбаларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, бугун ёшлар учун фақат иш ўрни яратишнинг ўзи етарли эмас. Муҳими, уларнинг билим ва салоҳиятини рўёбга чиқариши, мустақил ташаббус кўрсатиши ва ўз меҳнати орқали барқарор даромадга эга бўлиши учун зарур муҳитни шакллантиришдир.

Шунингдек, ёшларнинг рақамли технологиялар, замонавий касблар, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларига қизиқишини ошириш, ҳудуднинг мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қатор таклифлар билдирилди. Хусусан, Бўстонлиқ туманининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, маҳаллий ресурслар асосида истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни бу жараёнларга кенг жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқотларда “Ёшлар дафтари” доирасида кўрсатилаётган ёрдамлар, касб-ҳунарга йўналтириш ишлари, эътиёжманд оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар билан манзилли ишлаш тизими хусусида ҳам маълумотлар берилди.

Очик мулоқотлар давомида аҳоли томонидан билдирилган таклиф ва

муносабатлар ҳам эътибор марказида бўлди. Фуқаролар бандлик, таълим сифати, кичик бизнесни ривожлантириш, инфратузилмани яхшилаш, коммунал хизматлар самарадорлигини ошириш ҳамда аҳоли учун янада қулай шароитлар яратишга оид фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Партия раҳбарияти ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзолари томонидан ҳар бир таклиф диққат билан ўрганилди. Муносабатларнинг ҳуқуқий ечимини таъминлаш, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалий чоралар кўриш, зарур ҳолларда эса уларни қонунчилик ташаббусларида акс эттириш муҳим вазифалардан бири экани қайд этилди.

Маҳаллалардаги ўрганишлар шунингдек, ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги, аввало, яратилган имкониятларнинг ҳар бир ёшга етиб бориши, уларнинг ташаббуслари эшитилиши ва амалий ёрдам билан таъминланишига бевосита боғлиқ.

Бўстонлиқ туманида ўтказилган мазкур мулоқотлар давлат органлари, маҳалла институти, фуқаролик жамияти ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Энг муҳими, учрашувлар давомида аҳолини қийнаётган муаммолар юзасидан аниқ таклифлар шакллантирилиб, уларнинг ечими бўйича вазифалар белги-

“Адолат” СДП Матбуот хизмати



“Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!”

Ёшлар ишлари агентлигида “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” шиори остида “Уч авлод учрашуви” бўлиб ўтди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Марказий аппарати, Республика Мазнавият ва маърифат маркази ҳамда Судьялар ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Фахрийлар кенгаши аъзолари, “Маърифат” тарғиботчилари жамияти вакиллари, судьялар, Ёшлар парламенти аъзолари, “Ёш адолатчилар” ҳаракати фаоллари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари ҳамда кўнгилли ёшлар иштирок этди.

Учрашувда сўзга чиққан “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулнораҳон Абдувоҳидова,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори Исмоил Саифназаров, Мирзо Улуғбек тумани Нурунийлар жамоатчилиги кенгаши раиси Искандар Ҳайитов ва бошқалар мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда жамият ҳаётидаги амалий натижалари хусусида атрофлича фикр юритдилар.

Таъкидланганидек, бугун юртимизда инсон кадрини улуғлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлиқни ривожлантириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш борасида амалга

оширилаётган ислохотлар халқимиз ҳаётида ўзининг амалий самарасини бермоқда.

Айниқса, мазкур учрашув ёшларда Ватанга садоқат, миллий кадриятларга ҳурмат, фуқаролик масъулияти ва ислохотларга дахлдорлик туйғусини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлди.

Тадбир давомида кекса авлод вакиллари ўзларининг бой ҳаётий тажрибаси, билим ва мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Ёшлар эса мамлакатимиз тарихи, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, Янги Ўзбекистонда кечатган янгиланиш жараёнлари ҳамда “Адолат” СДПнинг жамиятда адолат, қонун устуворлиги ва ижтимоий тенгликни таъминлашга қаратилган фаолияти юзасидан тўлиқ маълумот олдилар.

Тадбир якунида фаол ёшлар партиянинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Депутат сўрови

Тошкент метрополитени нафақат аҳолимизга хизмат кўрсатувчи муҳим транспорт тизими, балки хорижий сайёҳлар эътиборини тортаётган ноёб маданий мерос объектларидан биридир. Айрим бекатлар ўзига хос архитектураси ва бадий безаклари билан миллий маданиятимиз ифодаси сифатида қадрланади.



Йўловчи хавфсизлиги ВА МАДАНИЙ МЕРОСНИ АСРАШ ЙўЛИДА қандай чоралар кўрилмоқда?

Мамлакатимизнинг туризм салоҳияти юксалиб бораётган бир даврда метро инфратузилмасидаги техник муаммолар йўловчилар ва сайёҳларга ноқулайлик туғдириши билан бир қаторда бебаҳо меросни асрашга ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу боис тизимни модернизация қилиш, хавфсизликни таъминлаш ва тарихий-маданий қийфага эга бекатларни асл ҳолича сақлаш муҳим вазифадир.

Айни мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулруҳ Агзамова Тошкент метрополитени инфратузилмасида кузатилаётган муаммолар юзасидан Транспорт вазири Илҳом Маҳкамоева депутатлик сўрови юборди. Унда йўловчилар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдириши мумкин бўлган қатор техник ҳолатлар кутарилади.

Кейинги йилларда транспорт тизимини модернизация қилиш, метро тармоғини кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ айрим бекатлар ва ишоотларнинг техник ҳолати жиддий эътибор талаб этмоқда.

Хусусан, ташқи муҳит таъсирида тоннель деворлари ва бекат платформаларидан сув сизили ҳолатлари кузатилмоқда. Бу, аввало, инфратузилма мустаҳкамлигига салбий таъсир кўрсатиши билан бирга, йўловчилар хавфсизлиги учун ҳам муайян таҳдидларни юзага келтиради.

Сўровда «Беруний», «Ғафур Ғулом», «Алишер Навоий» ва «Космонавтлар» бекатларида сув сизили оқибатида керамика паннолари эскирган, айрим жойларда яроқсиз ҳолга келгани, айниқса, бекатларнинг тарихий-бадий қийфасига путур етатгани қайд этилган. Шунингдек, «Чоштепа» – «Ўзғариш» бекатлари оралигиндан оқиб ўтувчи «Жунарик» канали ҳамда «Турон» – «Курувчилар» бекатлари оралиғидаги «Чортоқ» ариқлари метрополитен ер усти йўлининг кўприк таянч устунлари атрофидаги тупроқни юйиб кетмоқда. Бу ҳолат мазкур ишоотлар мустаҳкамлиги ва хавфсизлигига таъсир кўрсатади.

“Чорсу”, “Ғафур Ғулом” ва “Алишер Навоий” бекатларида 1984 йилда ишга туширилган эскалаторлар таъмирталаб ҳолатга келгани, уларни замонавий, хавфсиз ва энергия тежамкор қурилмаларга алмаштириш зарурати ҳам таъкидланган. Шу билан бирга, Чилонзор йўналишида 1977 йилда фойдаланишга топширилган бирлашган ним тортиш станцияси – БНС-2 техник жиҳатдан эскиргани, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш мураккаблашаётгани билдирилган.

Депутат айрим бекатларда ногиронлиги бўлган шахслар учун ўрнатилган электрон кўтаргичлар тўлиқ ишламаётгани, ер ости бекатларида тактил йўлаклар мавжуд эмаслиги имконияти чекланган фуқаролар учун қийинчиликлар туғдираётганига ҳам эътибор қаратди.

Бундан ташқари, ер усти халқа йўлида йирик габаритли юк автотранспорт воситаларининг метрополитен кўприги тўсинага тегиб ўтиши натижасида ишоотларга зарар етказилаётгани қайд этилган. Шунингдек, ирригация ариқлари ва яшил ҳудудлардан сизиб чиқаётган сувлар тоннель, бекат конструкциялари, электр жиҳозлари ва металл қисмларда коррозия ҳамда техник носозликлар хавфини оширмоқда.

Депутат Гулруҳ Агзамова “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг 12-моддаси ҳамда “Парламент назорати тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, транспорт вазиридан 10 кун муддатда асослангиланган тушунтириш беришни сўради.

Жумладан, сўровда метро бекатлари ва тоннелларда сув сизилини бартараф этиш, кўприк таянчлари атрофидаги сув оқимини тартибга солиш, қирғоқларни мустаҳкамлаш, махсус габаритли дарвозаларни ўрнатиш, ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай ва хавфсиз муҳит яратиш, метро ишоотлари мустаҳкамлиги ҳамда йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўрилаётган чоралар ва режалар юзасидан маълумот бериш сўралган.



Кучли адвокатура –

АДОЛАТЛИ СУДЛОВНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири – инсоннинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қила олиш имкониятидир. Бу фақат судлар мавжудлиги ёки қонунларда ҳуқуқлар ёзиб қўйилгани билан чекланмайди. Инсон ўз ҳуқуқини амалда ҳимоя қила олиши учун унинг ёнида малакали, мустақил ва процессуал жиҳатдан етарли ваколатларга эга адвокат бўлиши зарур. Бу соҳа суд-тергов жараёнларида адолат тарозисини тенг ушлашга хизмат қиладиган муҳим конституциявий институтдир.

Қаерда адвокат кучли бўлса, ўша ерда фуқаро ўзини ҳимояси ҳис қилмайди. Қаерда адвокат мустақил бўлса, ўша ерда суд жараёнига бўлган ишонч ортади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда адвокатурани ривожлантириш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, адвокатлик фаолиятини рақамлаштириш, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилди.

Бирок амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, адвокатуранинг конституциявий мақомини тўлиқ рўйбга чиқариш учун қонунчиликда ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар мавжуд. Энг аввало, жиноят процессида ҳимоя томонининг мақомини кучайтириш зарур. Амалда жиноят иши судга асосан айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси билан кириб келади. Судья дастлаб терговчи ва прокурор томонидан шакллантирилган материаллар билан танишади. Ҳимоячининг позицияси эса кўпинча тарқоқ ҳолда илтимосномалар, эътирозлар ёки баённомаларда қилиб кетади. Бундай ҳолат суд муҳокамаси бошлангунга қадар иш бўйича бир томонлама тасаввур шаклланиши хавфини юзага келтириши мумкин.

Шу боис, “Ҳимоя фикри” институтини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу институт орқали ҳимоячи иш материаллари билан танишиб чиққан, айбловга нисбатан ўзининг тизимли, ҳуқуқий асосланган позициясини тақдим этиши мумкин бўлади. “Ҳимоя фикри”да айбловнинг қайси қисми асоссиз экани, квалификация бўйича эътирозлар, терговда йўл қўйилган процессуал бузиллишлар, судда текширилиши лозим бўлган ҳолатлар, гувоҳлар ва мутахассисларни қақариш зарурати каби масалалар акс этиши мумкин.

Бу ташаббус судга иш фақат айблов позицияси билан эмас, балки ҳимоя позицияси билан ҳам кириб боришини таъминлайди. Натижада судья суд муҳокамаси бошланишидан аввал ҳар икки томоннинг асосий нуктаи назарини кўриш имкониятига эга бўлади. Бу тортишувчанлик тамойилини амалда кучайтиради, процессуал тенгликни таъминлайди ва суд қарорларининг ҳолислигига ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчи муҳим масала – адвокатлик фаолиятига оид мавҳум нормаларни аниқлаштиришдир. Амалдаги қонунчиликда “адвокатнинг шаъни ва кадр-қиммати”га доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш” каби тушунчалар мавжуд. Албатта, адвокатлик касби юқори ахлоқий мезонлар, профессионал масъулият ва жамоат ишончини талаб қилади. Аммо бундай тушунчалар аниқ мезонларсиз қолса, улар амалиётда турлича талқин қилиниши, айрим

Унутмаслик лозимки, адвокатурани кучайтириш – адвокатларга имтиёз бериш, дегани эмас. Бу фуқарога самарали ҳимоя имкониятини яратиш, суд жараёнида томонлар тенглигини таъминлаш, терговни қонун доирасида ишлашга ундаш, давлат органларини очиклик ва ҳисобдорликка чақириш ҳамда одил судловга бўлган ишончни мустаҳкамлашдир.



**Зухриддин МАВЛОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги “Адолат” СДП
фракцияси аъзоси**

ҳолларда субъектив ёндашувларга сабаб бўлиши кузатилади. Шунинг учун қонунчиликда адвокатура обрўсига путур етказадиган қилмишларнинг аниқ мезонларини белгилаш мақсадга мувофиқ.



Энг аввало, жиноят процессида ҳимоя томонининг мақомини кучайтириш зарур. Амалда жиноят иши судга асосан айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси билан кириб келади. Судья дастлаб терговчи ва прокурор томонидан шакллантирилган материаллар билан танишади. Ҳимоячининг позицияси эса кўпинча тарқоқ ҳолда илтимосномалар, эътирозлар ёки баённомаларда қилиб кетади. Бундай ҳолат суд муҳокамаси бошлангунга қадар иш бўйича бир томонлама тасаввур шаклланиши хавфини юзага келтириши мумкин.

Бунда қилмишнинг касбий фаолият билан боғлиқлиги, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқали содир этилгани, ишонч билдирувчи шахс ҳуқуқларига етказилган зарар, адвокатлик сирига муносабат, касб этикаси талаблари бузилгани каби ҳолатлар ҳисобга олинаши лозим. Бу интизомий амалиётда ҳуқуқий аниқликни таъминлайди ва адвокатларни асосиз босимлардан ҳимоя қилади.

Учинчи йўналиш – адвокатларнинг ижтимоий ва мулкӣ ҳуқуқларини таъминлашдир. Адвокатнинг мустақиллиги фақат қонунлардаги кафолатлар билан эмас, унинг иқтисодий барқарорлиги билан ҳам боғлиқ. Моддий жиҳатдан барқарор адвокат ўз касбий позициясида қатъий туради, босимларга нисбатан чидамлироқ бўлади ва ҳимояни мустақил амалга ошира олади.

Шу тўғрисида адвокат мустақиллигига таъсир қилмайдиган, давлат хизмати билан боғлиқ бўлмаган ва манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармайдиган айрим ҳақ тўланадиган фаолият турлари билан шўғулланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бунда асосий мезон битта бўлиши керак: бундай фаолият адвокатнинг мустақиллигига, касбий обрўсига ва ишонч билдирувчи шахс манфаатларига зарар етказмаслиги лозим.



“АДОЛАТ”ЧИЛАР

халқчил ташаббусларни илгари суришда фаол

Фракция фаолияти

Демократик янгиланишларни сиёсий партиялар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Сиёсий институт сифатида улар турли қатламлар манфаатларини бирлаштирадиган, аҳоли талаб ва эҳтиёжларини қонунчилик ҳамда давлат дастурлари даражасига олиб чиқадиган муҳим бўғиндир. Аҳамиятлиси, ҳозирги сиёсий муҳитда партиялараро соғлом рақобат кучайиши баробарида, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарадорлигини таъминлашдаги ўрни ҳам кенгайиб бормоқда.

Масалан, кейинги йилларда “Адолат” социал-демократик партияси ижтимоий тенгликни таъминлаш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва аҳолининг

ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ташаббуслари билан сиёсий майдонда фаоллашди. Айниқса, давлат бошқарувида халқ назоратини кучайтириш, коррупцияга қарши мурасиз курашда энг фаол кучлардан бирига айланганини ҳам алоҳида эътироф этиш даркор.

Маълумотларга кўра, 2024 йилги сайловлардан сўнг парламентдаги партия фракцияси аъзолари бошқа партиялар билан ҳамкорликда 10 та муҳим қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Қонунчилик палатасига киритган. Ушбу янги қонунчилик ташаббуслари ва илгари сураётган янги гояларни атрофича ўрганиб айтишимиз мумкинки, партия асосан ўтган даврда парламентаризм ва сиёсий рақобат, ижтимоий адолат ва аҳоли саломатлиги, фуқаролик жамияти ва маънавий муҳит, жамоат хавфсизлиги ва соғлом ҳаёт, замонавий технологиялар назорати каби ҳаётий ва долзарб масалаларга эътибор қаратмоқда ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш гоясини илгари суриб келмоқда.

Фракциямиз парламент тизимида соғлом рақобат муҳитини яратиш борасида ҳам муҳим ташаббус кўрсатди. Давлат бошқарувида сиёсий кучлар мувоzanатини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган, парламентдаги муҳолатнинг кафолатланган ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди. Албатта, бу ўзгариш парламентни чинакам “гоялар генератори”га айлантириш ва фикрлар хилма-хиллигини кучайтириш учун жуда муҳим.

Унда ўзини парламентда муҳолат деб эълон қилган партия фракциясига бирор қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилгунга қадар, ўша масала бўйича ўз муқобил қонун лойиҳасини ёки палата қарори лойиҳасини киритиш ҳуқуқини бериш, муҳолат вакиллари учун Қонунчилик палатасида битта кўмита раиси ҳамда иккита кўмита раиси ўринбосари лавозимларини кафолатли эгаллаш тартиби жорий этиш, ҳар чоракда ўтказиладиган “Ҳукумат соати” доирасида ҳамда парламент сўровини юбориш бўйича камда биттадан масала киритиш ҳуқуқини қонуни кафолатлаш гояси илгари сурилди.

Бундай ташаббуслар партиянинг давлат бошқарувида халқ назорати ва очикликни кучайтириш, сиёсий тизимни эркинлаштириш борасидаги сайловолди дастурий мақсадларига тўлиқ мос келади. Яна бир муҳим жиҳат. Фракция ташаббуси билан аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида ишлаб чиқилган рецепт билан берилмайдиган дори воситаларининг ноқонуний айланмаси учун жавобгарлиқни кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида қабул қилинди. Рақамларга эъ-



**Нодира РАШИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси**



Энг муҳим янгилик инсон тақдири, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор масалаларда (масалан, суд, банк ёки ишга қабул қилиш жараёнларида) қарор чиқаришда фақатгина сунъий интеллект тизимининг ҳулоасига таянишни қонуни тақиқлаш бўлди. Яъни, якуний сўз ва назорат инсоннинг ўзида қолади. Эндликда сунъий интеллект ёрдамида яратилган ҳар қандай матн, фото ёки видео материалларга мажбурий равишда махсус белги (маркировка) қўйилиши шартлиги илгари сурилади. Бу одамларни чағлитувчи фейк маълумотлар тарқалишининг олдини олади.

тибор қаратилса, олиб борилган таҳлиллар хавотирли ҳолатни кўрсатмоқда.

Айталик, 2022–2025 йиллар давомида мамлакатимизда 18 миллиард сўмлик 285 минг донга дори воситаси ноқонуний айланмадан олинган бўлиб, биргина 2024 йилда бундай ҳолатлар 2022 йилга нисбатан 3 бараварга кўпайган. Амалдаги жазо чоралари эса бунинг олдини олишда етарли бўлмай қолаётганди. Шу сабабли, янги қонун лойиҳаси билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгаришлар киритилиб, таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган дориларнинг рецентсиз сотилиши учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик белгиланиши ва жарималар миқдорини сезиларли даражада ошириш таклиф этилди.

Эътиборлиси, ушбу қонунчилик ташаббуси партия Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалар ва электрорат манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, тиббиёт ва фармацевтика соҳасини тартибга солиш, аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш партиянинг бош мақсадларидан бири ҳисобланади. Шу боис, Сайловолди дастури доирасида келгусида дори воситаларининг ягона электрон базасини шакллантириш ва мамлакат бўйлаб ягона рақамли тизим жорий этиш, дориларнинг сунъий қимматлаштирининг олдини олиш учун, халқаро тажриба асосида дори воситаларининг ишлаб чиқарилишдан то истеъмолчига етиб борушга бўлган ҳаракатланиш занжири кузатиш технологиясини йўлга қўйиш, дорихоналарда рецентсиз сотиладиган дори воситалари рўйхатини қисқартириш ҳамда дорихоналар сонини меъёрлаштириш бўйича те-

гишли чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган.

Маълумки, технологиялар шиддат билан ривожланаётган бугунги даврда сунъий интеллект нафақат қулайлик, балки инсон ҳуқуқларига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Айниқса, тармоқларда СИ ёрдамида одамларнинг қиёфасини ёки овозини сохталаштириш (фейк контентлар), шахсий маълумотларни рухсатсиз тарқатиш ҳолатлари кўпайди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, миллий қонунчиликда рақамли макондаги бундай таҳдидлардан ҳимояланишнинг ҳуқуқий асослари етарли эмас эди. Шу боис, “адолат”чилар томонидан СИ технологияларини тартибга солувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва парламентда биринчи ўқишда маъқулланди.

Ушбу ҳужжат асосидаги энг муҳим янгилик инсон тақдири, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор масалаларда (масалан, суд, банк ёки ишга қабул қилиш жараёнларида) қарор чиқаришда фақатгина сунъий интеллект тизимининг ҳулоасига таянишни қонуни тақиқлаш бўлди. Яъни, якуний сўз ва назорат инсоннинг ўзида қолади. Эндликда сунъий интеллект ёрдамида яратилган ҳар қандай матн, фото ёки видео материалларга мажбурий равишда махсус белги(маркировка) қўйилиши шартлиги илгари сурилди. Бу одамларни чағлитувчи фейк маълумотлар тарқалишининг олдини олади. Шунингдек, СИ воситаларидан фойдаланиб, фуқароларнинг шахсий маълумотларига қонунга хилоф равишда ишлов берган ҳамда уларни Интернетда тарқатиб юборган шахслар учун тўғридан-тўғри ҳуқуқий жавобгарлик чоралари белгиланган тақлиф қилинди.

Биз юқорида “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси томонидан илгари сурилган ва жамият ҳаёти учун энг муҳим бўлган айрим тизимли қонунчилик ташаббусларигагина тўхталдик, ҳолос. Албатта, партия фаолияти фақатгина қонун ижодкорлиги билан чекланмай қолмайди. Бугунги кунда “адолат”чилар қонунлар ижросини таъминлаш, жойларда реал муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида парламент ва депутатлик назорати воситаларидан ҳам унумли фойдаланмоқда.

Хусусан, аҳолини қийнаётган долзарб масалалар юзасидан вазирилик ва идоралар раҳбарларига депутатлик сўровлари юбориш, ҳудудларда тиббий хизмат сифати ва дори-дармон нархлари устидан доимий мониторинг олиб бориш, шунингдек, коррупция ҳолатларига қарши жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида ҳам фаол ишлар олиб боришмоқда. Жойларда ташкил этилаётган сайёр қабуллар орқали минглаб фуқароларнинг ҳуқуқий муаммолари бевосита хал этилаётгани бунинг яққол исботидир.

Нафосат ва гўзалликка бурканган диёр

ШУКУХ Наманган ўзининг табдиркорлари, саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият, санъат ва спортдаги ютуқлари, билимли ва шижоатли ёшлари билан нафақат мамлакатимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган, балки ҳар томонлама пешқадам ҳудудлардан биридир. Давлатимиз раҳбарининг яқинда Наманган вилоятига амалга оширган ташрифи ҳам юқоридаги фикрларни амалда яққол исботлади. Бироқ бу сафар тўхталмоқчи бўлган мавзунимиз тамомила бошқа. Сўнгги ҳафталарда вилоятнинг янги қиёфасини, меҳмондўстлиги ва юсак маданиятини дунёга танитаётган энг ёрқин воқеа, шубҳасиз, анъанавий Халқаро гуллар фестивали бўлди. Азалдан "Гуллар шаҳри" дея ном олган Наманганда ушбу нафосат байрами 1961 йилдан буён узлуксиз ўтказиб келинади.

**Исмоил САИФНАЗАРОВ,
"Адолат" СДП Фахрийлар кенгаши раиси,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
профессори**

Аҳамиятлиси, кейинги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва кўплаб-қувватлиси билан ушбу табдир мутлақо янги миқёс касб этиб, халқаро мақомага эга бўлди. Жумладан, фестивал мuddати 2018 йилдаги 3 кундан 2025 йилда 40 кунга узайтирилгани натижасида хорижий сайёҳлар сони 25 мингдан 800 минг нафарга, маҳаллий ташриф буюрувчилар эса 6,4 миллион нафарга етди. Навбатдаги мақсад эса 50 дан ортиқ давлатдан 1 миллион нафар хорижий ва 7 миллион нафар маҳаллий сайёҳни жалб этиш, 150 дан зиёд табдир ўтказиш ҳамда хизматлар ҳажмини 8 триллион сўмга етказишдан иборат. Жорий йилнинг 24 майдан 12 июлга қадар давом этадиган бу йилги гуллар фестивали ҳам ўзгача шукӯх билан ўтмоқда.

Унинг "Гиннеснинг рекордлар китоби"га расман киритилгани эса воқеага алоҳида аҳамият бағишлади. Ушбу гўзалликдан баҳраманд бўлиш, водийнинг хушхаво табиатидан завқ олиш мақсадида Наманганга турмуш ўрғотим билан саёҳат қилдик ва 65 йиллик тарихга эга анъаналар амалда гувоҳ бўлдик. Айтиш мумкинки, байрам ўтаётган манзилдаги ҳар бир бурчада минглаб гуллар, креатив дизайндаги композициялар инсонни ўзгача оламга етаклайди. Бутун шаҳар ранг-баранг гуллар ифориға бурканган, одамларнинг юзидида табассум, қалбларда эса байрамона қайфият ҳукмронлигини пайқаш қийин эмас. Фестивалнинг очилиш маросими шаҳар кўчалари бўйлаб

ҳаракатланадиган, юз минглаб табиий гуллар билан безатилган автокарвон намойиши билан бошланди.

Бунда энг замонавий енгил машиналардан тортиб, йирик юк автомобиллари, тракторлар ва ўт учирини машиналарига қадар гулларга бурканади. Бу ноёб ва гўзал парадни томоша қилиш учун йўл ёқасига нафақат наманганликлар, балки юртимизнинг барча вилоятлари ҳамда хориждан келган минглаб меҳмонлар йиғилади. Бу манзара бизда ҳам катта таассурот қолдирди. Фестивалнинг асосий воқеалари Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтмоқда. Ушбу кунларда боғ ҳудуди миллионлаб табиий гуллардан иборат улкан кўрғазма майдонига айланган. Наманганнинг асрлар давомида шаклланган гулчилик сулолалари ва профессионал ландшафт дизайнерлари бу ерда ўз маҳоратларини намойиш этишяпти.

Боғда қад ростлаган, гуллардан ясалган миллий рамзлар, тарихий обидаларнинг макетлари, турли хайвонлар ва қушларнинг сиймолари кишини ҳайратга солади. Бу ерда миллий гулчилик сир-асрорлари авлоддан-авлодга қандай ўтиб келатганини яққол кўриш мумкин. Наманган гуллар фестивали — йирик туристик ва иқтисодий табдирдир. Фестивалга дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан — Нидерландия, Туркия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Эрон, Германия ва қўшни Марказий Осиё давлатларидан соҳа мутахассис-

лари, инвесторлар ҳамда сайёҳлар ташриф буюришган. Табдир доирасида хорижий дипломатик корпус вакилларининг иштирок этиши Наманганнинг дунёга ўз эшикларини кенг очаётганидан далолатдир. Бу ерда нафақат гулчилик, балки туризм ва табдиркорлик соҳасида ҳам кўплаб истиқболли келишувлар имзоланмоқда.

Гуллар фестивали доирасида миллий таомлар танлови, хунармандчилик буюмлари ярмаркаси, фольклор жамоаларининг чиқишлари ҳам ташкил этилган. Эстрада юлдузларининг концерт дастурлари, китобхонлик кўнлари ва турли ижодий учрашувлар байрамга ўзгача файз бағишламоқда. Ташриф буюрувчилар Наманганнинг машҳур ошини татиб кўриши. Чуст пичоқлари ва атласларидан харид қилиши мумкин. Саёҳатимиз давомида бизни қутиб олган азият кадрдонларимизнинг эътиборидан бошимиз осмонга етди. Юқори маданиятли, серғайрат ва маърифатпарвар инсон, эстетик тарбия кластери асосчиси, Наманган давлат педагогика институти ректори, профессор Баҳодир Хусанов ва унинг аҳил жамоасига миннатдорлик билдирамыз.

Институт олими, декан Саидқабар ака ҳамроҳлигида ўтказилган саёҳатимиз жуда мазмунли бўлди. Саидқабар домланинг фестивал тарихи, гулларнинг навлари ва Наманганнинг ўтмиши ҳақидаги қизиқарли ҳикоялари кўнларимизга ўзгача файз бағишлади. Наманган бугунги кунда нафақат гуллар, балки замонавий инфратузилма шаҳрига ҳам айланимда. Жумладан, биз жойлашган янги, замонавий ва барча шароитларга эга "Oudip Plaza" меҳмонхонаси хизмат сифати ва нарх-навоси билан барчага бирдек маъқул бўлмоқда. "Афсоналар водийси"даги чархпалақда учганда эса бутун Наманганни юқори баландликдан томоша қилиб, олам-олам завқ олдик. Умуман олганда, Наманган деганда кўз олдимизда нафақат гуллар ифори, балки замонавий ва муҳташам бунёдкорлик намуналари ҳам гавдаланади.

Бу ўзгаришларнинг рамзи, шубҳасиз, "Афсоналар водийси" тематик паркидир. Илгари қаровсиз бўлган улкан ҳудудда Президентимиз ташаббуси билан қисқа фурсатда барпо этилган бу мажмуа бутун нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё ахлининг севимли масканига айланди. 155 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган ушбу мажмуа

ўз ичига кўнгилочар дам олиш, саломатлиқни тиклаш, савдо ва маданиятни бирлаштирган. Паркнинг энг муҳим жиҳати шундаки, бу ерда йилнинг исталган фаслида — иссиқ ёзда ҳам, изгири қишда ҳам ҳордиқ чикариш учун барча шароитлар мавжуд.

Мажмуанинг юраги — унинг улкан аквапарклари. Бу ерда очик ва ёпиқ сув ҳавзалари мавжуд бўлиб, улар замонавий сув аттракционлари билан жиҳозланган. Айниқса, ёпиқ аквапарк қиш кунларида ҳам аҳолига ёз фаслининг илқлигини соғға қилади. 16 хил аттракционли замонавий кўнгилочар боғ эса болажонлар ва экстремал дам олишни хуш кўрувчилар учун ҳақиқий адреналин маскандир.

"Афсоналар водийси" таркибидидаги "Хунармандлар шаҳарчаси" ўзбек миллий санъати ва анъаналарини ўзида акс эттирган. Бу ерда миллий каштачилик, заргарлик, қўлчилик ва ёғоч ўймакорлиги усталари маданияти, серғайрат. Сайёҳлар нафақат буюмларни сотиб олиши, балки уларнинг яратилиш жараёнида шахсан иштирок этишлари ҳам мумкин. Мажмуа ҳудудида қад ростлаган 5 юлдузли меҳмонхона ва шинам виллалар халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради. Шунингдек, 15 минг кишилик амфитеатр вилоятнинг маданий ҳаётини янги босқичга олиб чиқди. Бу ерда ўтказилаётган концертлар, фестиваллар ва Халқаро гуллар байрами тантаналари Наманганнинг нуфузини дунё миқёсида оширмоқда. "Афсоналар водийси"нинг ишга туширилиши Наманганда минглаб янги иш ўринларини яратди. Мажмуа атрофида хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо ва умумий овқатланиш соҳалари жадал ривожланмоқда. Бугун бу ерга нафақат қўшни вилоятлардан, балки Қирғизистон, Тожикистон, Қозғистон ва узок хориждан ҳам минглаб сайёҳлар келмоқда.

"Афсоналар водийси" — бу Янги Ўзбекистоннинг куч-қудрати, бунёдкорлик салоҳияти ва халқимизга бўлган юсак эътиборнинг амалий намунасидир. Наманган халқаро гуллар фестивали эса бағрикенглик, тинчлик, нафосат ва Ватанга бўлган муҳаббат рамзи бўлиб хизмат қилмоқда. Меҳнатқаш Наманган халқи ўз қўли ва меҳнати билан яратётган бу гўзаллик Янги Ўзбекистоннинг дунёга таралаётган ижодий ва ёрқин ифориридир. Агар қалбимизга баҳорий тароват ва унутилмас хотиралар ҳада этмоқчи бўлсангиз, албатта, Наманганга ташриф буюринг!

“ИННОВАЦИЯЛАР АМАЛДА: ОКМК фаолиятида сунъий интеллект

ИМКОНиятлари”

Матбуот анжумани

UZREPORT.NEWS UZREPORT_UZ UZREPORT UZREPORT.NEWS UZREPORT



Миллий матбуот марказида ОКМК Ахборот хизмати томонидан “Инновациялар амалда: ОКМК фаолиятида сунъий интеллект имкониятлари” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Табдирда ОКМК Инвестиция таклифлари ва истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлаш бўйича лойиҳа офиси етакчи муҳандиси Малика Тўрахонова, 3-Мис бойитиш фабрикаси директорининг рақамлаштириш бўйича ўринбосари Одил Файзуллаев ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Табдир давомида ОКМК масъуллари рақамли трансформация ва сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш борасидаги асосий натижаларни ва истиқболдаги режаларни тақдим этишди.

Унга қўра, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2026 йил 16 март кунини ОКМКга ташрифи давомида сунъий интеллект технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича берган топшириқлари ижроси доирасида бир қатор ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Комбинатда маъдан қазиб олишдан бошлаб тайёр маҳсулот олишгача бўлган барча босқичларга рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг жорий этилиши ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш хавфсизлигини сезиларли даражада оширишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда комбинат фаолиятида қуйидаги тизимли рақамли ечимлар муваффақиятли қўлланилмоқда:

Рақамли кон ва геология: 80 йиллик геологик ва маркшейдерлик маълумотлари рақамлаштирилиб, карьернинг 3Д модели яратилди ҳамда заҳиралар қайта баҳоланди. Қазиб олиш ишларини режалаштириш аниқлиги оширилди. “Қалмоққир” ва “Ёшлик И” конларида маъдан ўлчамларини назорат қилиш ҳамда ҳайдовчилар чарчогини кузатиш тизимлари ишга туширилди.

Башоратли диагностика ва хавфсизлик: комбинат мутахассислари томонидан яратилган дастурлар ҳозирда технологик жараёнларига муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Мазкур янги авлод интеллектуал тизими транспорт техника воситаларига хизмат кўрсатишда анъанавий ёндашувдан башоратли бошқарув моделига ўтишни таъминлайди. Бугунги кунда бу дастурлар, техниканинг интеллектуал диагностикаси, бузилишларни башоратли таҳлил қилиш ва прогнозлаш, лаборатория жараёнларини рақамлаштириш, техника ва агрегатларнинг ягона маълумотлар базасини яратиш, маълумотлар асосида ресурсларни бошқариш (мойлар, шиналар, узеллар) имконини беради.

Корпоратив бошқарув: Кадрлар ҳисоби ва иш ҳақини ҳисоблаш жараёнлари “1С: ЗУП” тизими орқали тўлиқ автоматлаштирилди. Ходимлар учун ички ҳужжатлар бўйича тезкор қидирув ва маслаҳат берувчи корпоратив АИ-ёрдамчи фаолият юритилмоқда.

Интеллектуал кон-транспорт тизими: Барча кон транспорт воситалари ақли камера ва датчиклар билан жиҳозланди. Сунъий интеллект ёрдамида маъдан таркиби карьернинг ўзида таҳлил қилинади, экскаватор қовши тишлари ва ҳайдовчиларнинг чарчоқ ҳолати реал вақтда назорат қилинади. Шиналардаги босим датчиклари эса ёқилиш сарфини камайтиришга хизмат қилмоқда.

“Завод ва фабрикаларнинг “рақамли эгизаклари” яратилди: Эндиликда 1-, 2-, 3-Мис бойитиш фабрикалари ва Мис эритиш заводидаги барча жараёнлари Ситуацион марказ экранлари орқали худди кафтдек кузатиш мумкин. Мазкур тизим ускуналарнинг сабабсиз тўхтаб қолишига йўл қўймайди ва ҳар қандай носозликни бир зумда аниқлаб, тезкор бартараф этишга ёрдам беради.

Давлатимиз раҳбарининг топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида, ҳозирда комбинат бўйича 30 га яқин сунъий интеллект лойиҳалари устида фаол иш олиб борилаётгани таъкидланди.

Хусусан, геологик маълумотларни таҳлил қилиш асосида бурғилаш ва портлатиш ишлари оптималлаштирилиб, портловчи материаллар сарфини камайтиришга эришилмоқда. Шунингдек, темирўй инфратузилмаси мониторинги тизими жорий этилиб, у йўлдаги носозликларни автоматик аниқлаш ва эҳтимолий аварияларни олдиндан прогноз қилиш имконини бермоқда. Бундан ташқари, бойитиш фабрикаларида “Машина қўриш” (Флотатсион АИ) технологияси татбиқ этилиб, унда пуфакларнинг ўлчами, тезлиги ва рангига қараб реагентлар қўшилиши сунъий интеллект томонидан автоматик бошқарилмоқда.

Номзодлар резюмесини саралаш жараёнини тезлаштирувчи интеллектуал ҲР-тизими ишлаб чиқилмоқда.

ОКМК томонидан ишлаб чиқилган ва жорий этилган рақамли тизимларнинг 16 тасига Адлия вазирлигининг муаллифлик ҳуқуқи гувоҳномаси олинди.

Табдирда келгусида ОКМКнинг ягона рақамли экотизимини шакллантириш ва сунъий интеллектни бошқарувнинг барча босқичларига кенг жорий этиш режалаштирилгани қайд этиб ўтилди.

Табдир давомида комбинат мутахассислари ОАВ вакилларининг барча саволларига батафсил жавоб беришди.

Маълумот учун: бугунги кунда комбинат таркибида сунъий интеллектни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими ташкил этилди ҳамда ОКМК халқаро “АИ Аллианс” ташкилотига аъзо бўлди.

Ўз мухбиримиз

Китобсеёвар оилалар беллашуви

Танлов Сирдарё вилояти Кўзи ожизлар махсус кутубхонаси ҳамда “Адолат” СДП Сирдарё вилоят кенгаши ҳамкорлигида “Энг фаол китобхон оила” кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Мазкур танлов 2026 йил — “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” доирасида аҳоли, хусусан, кўзи ожиз фуқаролар ўртасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, фаол китобхон оилаларни аниқлаш, мутлоаага бўлган қизиқишни янада ошириш ҳамда оилаларда маънавий-маърифий муҳитни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилди.

Танлов иштирокчилари учта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Улар ўз оилаларини таништириш, китобхонлик борасидаги тажрибалари, билим савияси, шунингдек, ижодий ва бадий чиқишлари орқали ҳакамлар ҳайъати эътиборига сазовор бўлдилар.

Таъкидлаш жоизки, Сирдарё вилояти Кўзи ожизлар махсус кутубхонаси бугунги кунда кўзи ожиз фуқароларга замонавий ахборот-кутубхона



хизматларини қўрсатиб келмоқда. Кутубхона фондида Брайль ёзувидаги адабиётлар, аудиокитоблар ва электрон ресурслар мавжуд бўлиб, фойдаланувчилар учун JAWS ҳамда NVDA овозли дастурлари орқали компьютердан фойдаланиш имконияти яратилган.

Шунингдек, ҳаракатлангани чекланган китобхонларга адабиётларни уйига етказиб бериш хизмати ҳам йўлга қўйилган. Кутубхонада маърифий учрашувлар, адабий кечалар, танлов ва белла-

шувлар мунтазам равишда ташкил этилиб, аҳоли ўртасида китобхонликни кенг тартиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Табдир якунида танловда фаол иштирок этган оилалар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зеро, китоб мутлоаиси маданиятини юксалтириш — билимни, маърифатли ва юсак маънавиятли жамиятни барпо этиш йўлидаги энг муҳим қадамлардан биридир.

